



АТАМА (ИБОРА)ЛАРНИ ТЎҒРИ ИШЛАТИШ – ФАН МУВАФФАҚИЯТИ (ТАРАҚҚИЁТИ) ГАРОВИ

Т.С.МАЛИКОВ

*ТДИУ "Молия" илмий мактаби раҳбари,
иқтисод фанлари доктори, профессор*

Назаримда, илм оламида умргузаронлик қилаётган жиддий олимларнинг ҳеч бири юқоридаги сарлавҳада ўз ифодасини топган бу фикрга эътироз билдирилмас керак. Чунки атама (ибора)ларни тўғри ишлатиш – аниқликдан дарак. Аниқлик эса, ўз навбатида, ҳар қандай фан тараққиётининг энг муҳим асосларидан биридир. Ҳақиқатдан ҳам, амалиёт ёки ҳаётнинг кўрсатишича, аниқлик ҳар бир фан тараққи-ётининг доимий гарови бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам, албатта.

Бошқа бир томондан эса доно халқимизда "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин!",- деб бежиз айтилмаган. Унинг замирида олам-олам маъно бор. Бу маънодан ҳаммамиз баҳраманд бўлишимиз керак. Онгли фаолиятимиз давомида унга қатъий риоя этсак – нур устига аъло нур. У фақат фойдадан иборат бўлиб, яхшиликка хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, у баъзи бир қулфли муаммоларимизни ечишда ўзига хос калит вазифасини ҳам бажариши – турган гап...

Бизнингча, юқорида билдирилаётган бу фикрлар аксиома характериға эга. Улар исбот талаб этмайди. Шунинг учун ҳам уларға қатъий риоя этмоқ лозим. Афсуски, амалий фаолиятимизда айримларимиз турли сабабларға кўра шу нарсани унутгандек кўринамиз. Зеро, қилаётган ишларимиз шундан далолат беради.

Гап бу ўринда иқтисод илмининг муҳим соҳаси ва бозор иқтисодининг барча жабҳаларида принципиал аҳамиятға эга бўлган "Бухгалтерия ҳисоби"да учраётган баъзи ҳолатлар тўғрисида кетаётир. Узр, бу ўринда бизни бировнинг "огород"ига кирганликда, юқоридаги мақолға хилоф тарзда иш тутганликда ва ўз ҳаётий принциплариға риоя қилмаётганликда айбламанг. Зеро, кўриб, ўзни кўрмасликка олиш, эшитиб, қулоқни, маъзур тутасиз, карликка солиш – одатим эмас. Шу тарзда иш тутиш мен учун – гуноҳи азим.

Бунинг устиға, тақдир тақозосига кўра 20 йилдан кўпроқ вақт давомида "Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит" ихтисослиги мутахассислари билан, ҳеч бўлмаганда, диссертациялар ҳимоялари бўйича бир Кенгашда ҳамкорлик қиламан. Бундай вазиятда, Кенгаш аъзоси сифатида, шу ихтисослик бўйича ҳимоя қилинаётган илмий ишларнинг, ҳеч бўлмаганда, мавзулариға кўзим беихтиёр тушади. Шунда саволларим қаторлашиб кетса-да, шу соҳа иқтисодчи-олимларининг ҳурмати қилиб, ўзимни тийишға ҳаракат қиламан. Улар бу нарсаларға эътибор берар деб ўйлайман. Лекин, минг афсуски, менға маълум бўлмаган сабабларға кўра бундай қилинмаяпти. Шу боис, ушбу соҳанинг айрим кўзға кўринган мутахассисларидан ўзига хос фотиҳани олиб, баъзи бир аниқлаштирувчи мақолаларни эълон қилишға киришдим. Натижада "ҳисоб"нинг ўрнида "бухгалтерия ҳисоби"ни ёки "таҳлил"нинг ўрнида "иқтисодий таҳлил"ни ишлатишға, бироз бўлса-да, муваффақ бўлдим. Мен бу ерда американи очганим йўқ. Нарсани ўз номи билан атадим. Уни сунъий равишда кенг ёки тор маънода талқин қилишнинг мақсадға мувофиқ



эмаслиги ва у қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини исботлаб бердим, холос. Бу ишда менга шу соҳанинг умумэтироф этилган ва катта ҳурматга сазовор бўлган мутахассиси, иқтисод фанлари доктори, профессор А.А.Каримовнинг ҳамфикр бўлганлиги ва ул зотдан фотиҳа олганлигимдан бахтиёрман.

Ушбу мақола доирасида “Бухгалтерия ҳисоби”да, фикримча, етарли даражада асосга эга бўлмасдан, ўринсиз ишлатилиб келинаётган яна уч атама (ибора) устида тўхталмоқчиман. Уларнинг биринчиси “бошқарув ҳисоби” бўлса, иккинчиси “молиявий ҳисоб” ва учинчиси “солиқ ҳисоби”дир. Бу иборалар бизга яқин бўлган рус тилида ҳам худди шу тарзда, яъни “управленческий учёт”, “финансовый учёт” ва “налоговый учёт” тарзида ишлатилиб келинаёпти. Кўриниб турганидек, уларнинг ҳар икки варианты ҳам бир-бирига – монанд. Ҳеч қандай саволларга ўрин қолдирмайди. Зеро, бу ерда ҳам таржима назариясидаги аслиятни сақлаш қоидасига, шак-шубҳасиз, риоя этилган. Бунинг устига, улар амалда нисбатан мустақил бўлган фан даражасигача кўтарилган ва “Бухгалтерия ҳисоби”нинг алоҳида тармоқлари сифатида ҳам эътироф этилиб келинаёпти.

Фикримча, бу уч номланишнинг ҳар икки тилдаги вариантлари ҳам, маъзур тутасиз, нотўғри ифодаланган. Уларнинг ҳар уччаласи ҳам улар “ичкараси”нинг мазмун-моҳиятини тўғри акс эттирмайди. Булар, энг камида, қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- **биринчидан**, энг аввало, “Бошқарув ҳисоби”, “Молиявий ҳисоб” ва “Солиқ ҳисоби”нинг “ичкараси”га назар соладиган бўлсак, уларнинг ҳар бири шу соҳаларга дахлдор бўлган ва “шиққиллаган” ёки ёппасига “бухгалтерия ҳисоби”нинг алоҳида қисмларидан иборат эканлиги маълум бўлади-қолади. Бундай вазиятда “бухгалтерия ҳисоби”ни инобатга олмаслик, эсдан чиқариш ёки сунъий равишда “ҳисоб” даражасигача кўтаришга не ҳожат?!;

- **иккинчидан**, “Бухгалтерия ҳисоби”нинг таркибий қисмлари ёки нисбатан мустақил соҳалари деб эътироф этилаётган “Бошқарув ҳисоби”, “Молиявий ҳисоб” ва “Солиқ ҳисоби” шу тарздаги номланишда қоладиган бўлса, қанча чиранмайлик, мантиқ уларнинг “Бухгалтерия ҳисоби”нинг эмас, балки “Ҳисоб”нинг шундай қисмлари эканлигидан далолат бераверади. Оддий мантиқий фикрлашга қодир бўлган ҳар бир ўқувчи, энг аввало, уни шундай қабул қилмасдан иложи йўқ;

- **учинчидан**, Она тилимиздаги “бошқарув ҳисоби”, “молиявий ҳисоб” ва “солиқ ҳисоби” атама (ибора)лари уларнинг рус тилидаги “управленческий учёт”, “финансовый учёт” ва “налоговый учёт” шаклларининг кўр-кўрона таржима қилиш маҳсулидир. Бу ўринларда “бухгалтерский учёт”нинг ўрнига “учёт” ишлатилишининг қабул қилиниши эса, олдинги мақолаларимдан бирида таъкидлаганимдек, сиёсий омил билан боғлиқ: ўз даврида В.И.Лениннинг “Социализм – это, прежде всего, учёт!”,- деган фикрини ўзбек тилида “Социализм – бу, энг аввало, учёт (ҳисоб) демакдир!” тарзида таржима қилиниши ва “учёт (ҳисоб)” билан “бухгалтерский учёт (бухгалтерия ҳисоби)” ўртасида асоссиз ва сунъий равишда баробарлик белгисининг қуйилишидан келиб чиққан. Афтидан, у ҳозиргача ўз изини қолдириб келаяпти ва бунга шу соҳа мутахассислари жиддий эътибор беришмаяпти, шекилли;

- **тўртинчидан**, қанча уринмайлик, ҳозирги пайтда мутахассис-ларнинг тор доирасидан ташқари кўпчилик учун “Бошқарув ҳисоби”, “Молиявий ҳисоб” ва “Солиқ



ҳисоби" "Бухгалтерия ҳисоби"нинг таркибий қисми эканлигига, ҳеч бўлмаганда, иккиланиш билан қарашга асослар етарли. Зеро, шундай номланишлар ўз-ўзидан улар "Бухгалтерия ҳисоби"га тегишли эканлигига кафолат беролмайди. Аксинча, мантик коидаларига риоя қилинса, улар "Бухгалтерия ҳисоби"дан кўра кўпроқ "Ҳисоб"га тегишли эканлигини кўрсатади;

- **бешинчидан**, Она тилимизда бундай атама (ибора)ларни муомала (илмий айланма)га киритаётганимизда ниҳоятда ҳушёр бўлиб, фақат уларнинг рус тилидаги "варианти"га эътибор бериш ва уларни тўғридан-тўғри ёки кўр-кўрона таржима қилиш билан чекланиб қолиш мақсадга мувофиқ эмас. Хусусан, уларнинг инглиз, француз ёки немис тилидаги вариантларида ҳам қандай маъно-мазмун сингдирилганлиги эътибордан четда қолмаслиги лозим. Афсуски, бунга ҳам ҳамон жиддий эътибор берилмаётганлиги шундоқ кўриниб турибди. Ҳолбуки, "ҳисоб" атамаси инглиз тилида "account" деб юритилса, "бухгалтерия ҳисоби" эса "accounting" кўринишига эга. Шунга мос равишда, масалан, инглиз тилидаги "accounting" "бухгалтерия ҳисоби", "management accounting" ёки "managerial accounting" "бошқарув бухгалтерия ҳисоби", "financial accounting" эса "молиявий бухгалтерия ҳисоби" ва ҳ.к. деб таржима қилиниши кераклиги мутлақо аниқ-ку!?!;

- **олтинчидан**, "Бошқарув ҳисоби", "Молиявий ҳисоб" ва "Солиқ ҳисоби" "Бухгалтерия ҳисоби"нинг таркибий қисми экан нега уларни, узр, фолбинларча номламасдан, балки мантиқдан келиб чиқиб, "Бошқарув бухгалтерия ҳисоби", "Молиявий бухгалтерия ҳисоби" ёки "Солиқий бухгалтерия ҳисоби" (бу ўринда "солиқий"ни кўриб, ажабланманг. Муаллиф янги сўз "ихтиро" қилибди дея, хаёлларга борманг. Бу сўзни "молиявий"ни қандай қабул қилган бўлсак, уни ҳам шундай, ҳайратга тушмасдан, табиий равишда қабул қилишимиз керак. Зеро, бу сўз ҳам – ўзимизники, у – "ўгай" эмас) деб номлаш мумкин эмас?! Ахир улар "ичкараси"даги мазмун шуни тақозо этади-ку?! "Ич" билан "сирт" бир-бирига мос бўлиши керак эмасми?!;

- **еттинчидан**, "Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит" ихтисослиги мутахассислари, аслида, қайси атама (ибора)ни яхши кўришлари ёки фидоилари бўлиши керак? "Ҳисоб"ними ёки "бухгалтерия ҳисоби"ни?! Улар қайси атама (ибора) томон кўпроқ "талпиниш"лари лозим? Албатта, "бухгалтерия ҳисоби" томонга-да! Шундай эмасми?! Бунинг устига, амалда ўз фаолиятлари давомида "бухгалтерия ҳисоби"дан кўра "ҳисоб"ни афзал кўриб, турли-туман "маҳсулот"лар яратаётганларга қарата, масалан, "Сиз ҳисобчимиз?" дейилганда "Йўқ, мен бухгалтерман!" ёки "Сиз ҳисоб бўйича мутахассисмисиз?",- дея мурожаат қилинганда "Йўқ, мен бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассисман!",- деб жавоб беришларига бизда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шундай экан, бу ерда лафзга мувофиқ иш тутилса, яхши ёки адолат қилинган бўлмайдами?!;

- **саккизинчидан**, муаммони талқин қилишда бизнинг бу тарзда ёндашишимиз – бекордан-бекорга эмас. У ўзининг мантиқий асосига эга. Зеро, барча фанларда (ҳатто, ҳаётда ҳам) шунга қатъий риоя этилади. Бу фанларнинг, жумладан, кучлилиги ҳам – шунда. Масалан, "Она тили"мизда "Гап" мавзуси муҳокама қилинмоқда (ўтилмоқда). Унинг турлари ҳақида гап кетганда "ундов гап", "сўроқ гап" ёки "дарак гап" дея таъкидланади. Бу ўринда ёлғиз "ундов", "сўроқ" ёки "дарак" дея қайд этилмайди. Ёки "Геометрия"да "Учбурчак" мавзусида у туркумларга ажратилмоқда. Бунда "тўғри бурчакли учбурчак",



“Ўткир бурчакли учбурчак”, “Ўтмас бурчакли учбурчак”, “тенг ёнли учбурчак” ёки “тенг томонли учбурчак”, “турли томонли уйбурчак” ва ҳ.к.лар тарзида ишлатилади. Уларнинг ҳар бирини “учбурчак” сўзидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шундай қилинса, бу ўринларда (аслида, ҳар қандай фанларда ҳам шундайдир) аниқлик ўрнини мавҳумлик эгаллайди. Мавҳумлик эса, ҳар қандай фаннинг фожиасидир...

Хуллас, бизнинг юқоридаги оддий мантиқий мулоҳазаларимиз ва хулосаларимиздан яққол кўришиб турибдики, иқтисод илмида “бухгалтерия ҳисоби”ни “ҳисоб” деб юритиш қанчалик асоссиз ва нотўғри бўлса, худди шунингдек, унинг таркибий қисмлари сифатида қаралаётган “бошқарув бухгалтерия ҳисоби”ни “бошқарув ҳисоби”, “молиявий бухгалтерия ҳисоби”ни “молиявий ҳисоб” ва “солиқий бухгалтерия ҳисоби”ни “солиқ ҳисоби” деб юритиш ҳам шунчалик асоссиз ва нотўғридир. Зеро, ҳатто номланишидан ҳам “Бошқарув ҳисоби”, “Молиявий ҳисоб” ва “Солиқ ҳисоби” “Бухгалтерия ҳисоби”нинг эмас, балки ҳеч қандай изоҳларсиз, юқорида қайд этилганидек, “Ҳисоб”нинг кўринишларидан бири сифатида эътироф этилишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, аниқлик эмас, балки мавҳумлик сари ташланган ножўя қадамдир. У, юқорида таъкидланганидек, фаннинг тараққиётига эмас, аксинча, таназзулига хизмат қилади.